ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 1 (228) | 2001 йил 3 январь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда



Муҳаммад АМИН олган сурат (ЎзА).

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, Янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари - фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригидан.

ЯНГИ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ – ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ОҚСОҚОЛГА ҲАМ ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ ЭКАН

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ЭРТАК АЙТГАН ОҚСОҚОЛ!

Мана бир неча кундирки, пойтахтимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонида Янги йил байрами тантаналари давом этмоқда.

Болажонлар байрам томошаларини кўрибгина қолмай балки, эртак қаҳрамонлари билан бирга ўйинга тушиб, ўзларини сеҳрли оламга кириб қолгандай ҳис қилишмоқда. Ана шундай барчага манзур бўладиган байрам сценарийси ижодкори оддийгина бир маҳалла оқсоқоли эканлигини эшитиб тўғриси ҳурсанд бўлдик. Ушбу сценарий муаллифи пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Оқибат маҳалла оқсоқоли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Омонулла Шариповдан икки оғиз ушбу дастур хусусида гапириб беришни сўрадик.

(Давоми 2-бетда.)

ЯНГИ АСР ҚУВОНЧЛАРИ

МАҲАЛЛАГА ЯНГИ АСР БИЛАН ГАЗ КЕЛДИ

Шўрчи туманидаги Й.Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Янгиариқ, Тула, Қултепа маҳаллаларида истиқомат қилувчилар бир йўла учта байрамни нишонлаш бахтига мушарраф бўлишди.

Рамазон ҳайити, янги аср, янги йил ва хонадонларга табиий газнинг келиши унутилмас тантаналарга айланиб кетди. Мазкур маҳаллаларнинг аҳолиси кўп йиллик ниятларига эришди. Давлат маблағи ҳисобидан беш миллион сўмлик пайвандлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилди. 2,5 километр масофага ўрта босимли газ қувурлари тортилди.

- Уччала маҳаллада «зангори олов»нинг ёниши катта байрам тусини олди, - дейди «Сурхондарёгаз» вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нуриддин Абраев, - қариялар, уй бекалари газ келишини гапнинг очиғи, кўзда ёш билан қувониб қарши олишди. Минг хонадонда табиий газ ёнишининг ва одамларнинг мамлакатимиз Президентига, мустақилликка қайта ва қайта миннатдорчилик билдирганлари шоҳиди бўлдик. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар газ келиши муносабати билан ўтказилган йиғилишда халқнинг асрий орзуси ушалганлигини эътироф этишди.

Айтганча, қутлуғ байрамлар бўсағасида Қизириқ туманидаги Такия қишлоғига ҳам табиий газ етиб келди. Бу ерда 2,5 миллион сўмлик пайвандлаш ҳамда қурилиш ишлари бажарилди. Юқори босимли асосий магистралдан 2 километрлик қувур тортилгандан сўнг дастлаб 20 хонадондан «зангори олов» ёниб, кишиларга қувонч бағишлади. Қолган бошқа хонадонлар ҳам ҳадемай табиий газдан баҳраманд бўладилар.

ҚАДАМ ҚЎЙДИК ЯНГИ АСРГА

Ҳаёт дарахтини тебратар Замон,
Куртаклар очилар, тўкилар хазон,
Азиз Ватандошлар бугун ёнма-ён,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Неларни кўрмади бу кўҳна дунё,
Урушу қирғинлар, адоват, риё,
Оллоҳдан эзгулик қилиб илтижо,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Ватанни топтади неча йиллар «ёт»,
Кўкларга ўрлади нола, оҳ-фарёд,
Бугун насиб этиб осуда ҳаёт,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Губордан тозариб Ватан осмони,
Ушалиб халқимиз орзу-армони,
Карвоннинг бошида буюк Сарбони,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Тарихга айланди неча асрлар,
Емирилди қурилган қўрғон қасрлар,
Учиб битди қанча безаклар, сирлар,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Замон эпкинида қоюмлар танҳо,
Тафаккур маҳсули илм-бебаҳо,
Асрдан-асрга таратиб зиё,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Асримиз пок бўлсин, қолмасин иллат,
Дилларни забт этсин Илму-Маърифат,
Йўқолсин жаҳолат, фитна, адоват,
Янги асрга келдик соғ-омон.

Зикрилла ОХУН,
маҳалла оқсоқоли.

ЛЛУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

- **Аразлашган эр-хотинни ҳоким яраштирса, оқсоқолнинг доғда қолгани шу-да!**
- **От кишнаганда, илон вишиллаганда нима бўлади?**
- **Тадбиркор одамнинг ҳар бир ҳаракатидан барака унади.**

3-саҳифасида:

- **Насафийнинг «Никоҳ» китобида нима дейилган?**
- **Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш фаолли маҳалла»си.**
- **Интизом кўчасини эшитганмисиз, Илтифот кўчасидан ҳеч ўтганмисиз?**

4-саҳифасида:

- **Миннатли ошдан беминнат тош яхшилиги айни ҳақиқат!**
- **Йироқ юрмаганга юқадиган касаллик.**
- **Гап орасида ҳам анча гап бор!**
- **Шоирни уйғотган гўзал ҳислар ҳар бир қалбга кўчса қанийди!**

MAHALLA НИНГ ЁШИ

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Кўнгилли тадбирларни кўнгилли тадбирларга улаш асли халқимизга хос хислат. Шундан бўлса керак, халқимиз азалдан тўй бошласа, бир неча кунлаб кети узилмаган, тўйлар тўйларга уланган, элга қирқ кун қўша-қўша дошқозонларда ош берганлар ҳам ўша ўзбекнинг аждодлари. Буни қарангки, Оллоҳнинг халқимизнинг хислатига хос меҳр-мурувватими, юртимизда байрамлар, шодиёналар ҳам бир-бирига уланиб кетмоқда. Яратганнинг инояти билан бир-бирини «Тўйдан бошинг чиқмасин» деб алқагувчи халқимизнинг бошида қўша-қўша байрамлар. Барча мусулмонлар қатори Оллоҳ буюрган фарз - рўзаи рамазон ойида рўза тутиб, Ийди рамазон ҳайитидек муқаддас шодиёнадан баҳри дили яйраган халқимиз - мусулмон биродарларининг қувончли онлари Янги йил тадбирлари билан боғланиб кетди.

«Mahalla» газетаси жамоаси юртдошларимизнинг бу каби қувончларини газета саҳифаларида ёритар экан, ўз қалбларидаги қувончу ҳайратларини ҳам муштарийлар билан баҳам кўргиси келади, албатта. Ийди рамазон ҳайити, Янги йил тантаналарининг хуш кайфиятлари ҳали кўнгилда хира тортмасидан туриб «Mahalla»нинг 5 ёшга тўлишидан қалбларимиз янада равшан тортди.

Ҳа, «Mahalla» 5 ёшга тўлди. 1996 йил мана шу кунларда унинг илк сони юз кўрсатганди. Газетанинг босиб ўтган йўли узоқ йўл эмас. Шу боис унинг катта тарих воқелигига дахлдорлик даъвоси ҳам йўқ. Аммо уни дунёга келтириб, оқ йўл тилаган ва бугун ҳам унинг ташвишларига ўз ташвишлари деб қараб келаётган муассис - Республика «Mahalla» жамғармаси ва газета таҳририяти жамоасининг бу кичик тарихдан кўнгли хуш. Айниқса, ушбу йилнинг илк сонидан бошлаб газетамизнинг обуначилари сони аввалги йилларга нисбатан 2 баробарга кўпайганлигидан кўнгиллар равшан тортди. Юртимиздаги янгиланишлар билан боғлиқ иқтисодий муаммоларга қарамай бундай натижани албатта ютуқлар сирасига қўшиш жоиз. Ана шу биздаги байрамона кўтаринки кайфиятни газетамизнинг ушбу сонини қўлга олган 7500 га яқин муштарийларимизга ҳам тилаймиз. Зотан, уларнинг ҳиммати, бизга билдирган ишончлари жамоамизнинг ҳар бир аъзоси учун жуда қадрли. Ўқувчиларимиз «Mahalla»га обуна бўлар эканлар, биздан ўз кўнгиллари тусаган гапни, мамлакат, дунё янгиликларини илҳақ кутадилар. Биз эса уларнинг ишончини оқлашга қодирмиз, деб ўйлаймиз.

Чори ЛАТИПОВ,
Бош муҳаррир.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Кашқадарё

ҲОКИМ ҚАБУЛИДА НИМА ГАП?

Ана холос, бир оилада шунча муаммо. Нима қолибди ўзи оилада? Келин чиқиб кетган, қиз қайнонасиникига сиғмаган, ўғил қамоқда, эрхотин аразлашган...

Бу воқеага Қарши шаҳар ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Йўлдошбой Қораев қабулхонасида дуч келдик. Ҳоким бир дам ўйланиб қолди. Албатта у Маъзон маҳалласидан келган Рўёб Обрўевани тинчитишга, унинг кўнглига йўл топишга, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилди. Аммо...

Шу куни қабулхонага келган бирор кишининг ҳасрату дардига бефарқ қараб бўлмади. Биров бошига тушган кулфатни бағри хун бўлиб баён этса, иккинчи киши туҳматчилар, фирибгарларнинг найрангларидан дод солади.

Чаримгар маҳалласи фуқароси С.Тўхтамишева ногирон фарзандини республиканинг малакалироқ шифохонасига жойлаштиришга ёрдам сўради. Масала шу заҳотиёқ ҳал этилди. Она минг бор раҳмат айтиб қабулхонадан чиқди. Нажот излаб келган ўнлаб кишилар ҳокимдан уйжой масаласида, табиат фалокати туфайли чиққан ёнғиндан кўрилган зарарни бартараф этишда ёрдам кўрсатишни ўтиниб сўради. Кўпчилик қиш-қировли кунларда моддий ёрдамга муҳтожлик сезилаётганини баён этди ва ижобий жавоб олди, миннатдорчилик билдирди.

Араловул маҳалласидан келган муйсафид отахоннинг бағри хун бўлиб айтган дардларига унча-бунча кишининг юраги бардош беролмади.

Отахоннинг қизини оилали, бола-чақали киши алдаган... Эндиликда эса биргина қўйилган қалтис қадамдан қанча диллар озор чекаяпти.

- Ҳеч бўлмаганда никоҳига олсин, - дея ёлворади мўйсафид.

Шу куни қабулга кирган кўпгина кишилар сув, газ, тозалик, болаларга бериладиган нафақалар, қўни-қўшнилар келишмовчилиги каби масалалардан шикоят қилдилар.

Ўйлаб қаралса ва қабулга кирган кишилар кўрсатган айрим важларни муаммолар деб аташ мумкин бўлса, уларнинг кўпчилигини маҳаллаларнинг ўзида ҳал этиш мумкин. Бунинг учун оқсоқоллар, унинг атрофидаги фаоллар ишбилармонлиги, одамлар билан инсоний муомала, воқеа-ҳодисаларни адолат тарозусида ўлчаш, инсоф, диёнат билан иш тутиш талаб этилади, холос. Ана шунда шаҳар, туман, вилоят ҳокимликлари қолаверса, республика вазирликлари, Президентлик девонига йўлланадиган шикоятлар сони бир қадар камаяди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

**** Қизимни эри билан яраштирсангиз.***
**** Ўғлимнинг хотини кетиб қолди...***
**** Бир ўғлим наша чекиб қамалиб қолган. Чиқариб бермасангиз бўлмайди.***
**** Эрим билан орамиздан оламушук ўтган...***

ОЛОВУДДИННИНГ ЧИРОҒИМИ ЁКИ...

Чилонзор туманидаги Шарқ мавзесида маҳалла оқсоқоли янги сайланди. Хўш, натижа қандай бўлди...

Ҳар қандай ишда ҳам жонкуярлик, ташаббускорлик кераклиги шу ўринда ҳам яққол кўринди, чунки янги оқсоқол, гарчи ёш бўлса-да жамоат ишига жонкуярлик билан киришди. Натижада йиллаб чивин-пашша уймалаб, ҳафталар давомида олиб кетилмайдиган ахлат уюмлари йўқолди, бунинг учун биргина махсус автоуловни ишга солса кифоя экан. Йўл бўйида қатор тизилишиб ўтирадиган олибсотарлар сафи ҳам бозорчадан жой олишди, йўққа кечқурунлари ишдан қайтган маҳалла аҳли транспортдан тушиб, юришга йўлакдан жой тополмай қийналишарди. Кечқурунги кафе-барлар ҳам соат 23.00 дан кейин ишларини тўхтатадиган бўлишди, аввалгидай ярим кечада ичиб олиб, шовқин солиб юрадиганларнинг оёғи тортилди.

Ҳаммасидан ҳам маҳалла оқсоқоли Аъзамжон Маҳмудовнинг ташаббуси ва қатъияти боис коммунал хизмат кўрсатиш Ширкат тартибига ўтгани айни муддао бўлди. Йиллаб чакка ўтиб ётган томлар таъмирланиб, ҳар қандай буюртмалар зудлик билан бажарилаётгани қувонарли ҳолдир. Ширкат тартиби эса ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, туман ҳокимиятидаги баъзи мансабдор шахсларнинг сансоларлигини енгиб ўтиш осон кечмаганини фақат Аъзамжон ака, фаоллар Анвар ака Тошхўжаев, Мухтор ака Усмоновлар, хотин-қизлар комиссияси раиси Ёқутой Абдураҳмонова, кўнгилли назоратчилар сардори Наргиза Илҳомоваларгина билишади.

Бир қарашда, маҳалла фуқаролар йиғинидаги ишлар ўз-ўзидан, худди эртакдаги Оловуддиннинг сеҳрли чироғи ёрдамида амалга ошиб қолаётгандек туюлади. Ваҳоланки, бу тадбирларнинг бошида фуқаролар сардори - оқсоқол ва унинг ёрдамчилари туришибди.

МУХБИРИМИЗ.

Нормўмин ОЧИЛОВ

АССАЛОМ, ЯНГИ АСР, ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИК!

...Ўзбек халқи учинчи минг йилликка дунё ҳамжамияти олдида ўз мавқеига, ўз ўрнига эга мустақил давлат сифатида, келажак сари дадил қадам ташлаган ҳолда кирган экан, биз баралла «Ассалом, янги аср, янги минг йиллик!» дея хитоб этишга ҳақлимиз.

Зеро, биз ўтган XX асрга ҳам қўлда ва оёқда кишан билан кирган эдик, энг ёмони, онгимиз ҳам кишанланган эди. Бугун кўксимизга озодлик эпкини тегиб, эркин, ҳур эканмиз, бу кунларга етолмаган халқимизнинг минглаб фидойи фарзандлари хотиралари олдида умрбод қарздорлигимизни унутмаслик биз учун катта фарз.

Ўтаётган асрнинг кейинги ўн йиллигида асрларга татигулик ишлар қилинди. Энг асосийси, мустақилликка эришганимиз бўлди. Дунёда Ўзбек деган халқ борлиги тан олиниб, унинг тарихий илдизлари бақувватлиги, не-не буюк зотларни етиштирган бу халқнинг дунё тамаддунида ўз ўрни борлиги намойиш қилинди. Энди гап иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда барқарор ривожланиш йўлидан бориб, миллий онг, миллий ғурур билан иш кўриш, халқимиз шуҳратини таратишда қолган. Бу ишларнинг асосий ижрочилари - ёшларимизнинг камол топиши, халққа хизмат қилишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Президентимиз яқинда жаҳон олимпиадасида бокс бўйича чемпион бўлиб қайтган Муҳаммадқодир Абдуллаевни бағрига босиб, елкасига зарбоп тўп ташлади. Бундай улуғ эҳтиромга у бутун дунёга ўз «сўзи»ни айта олгани, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, дунёда шундай юрт, шундай гўзал байроқ, шундай янгроқ мадҳия борлигини намойиш қилгани учун сазовор бўлди. Ишонамизки, XXI асрда барча соҳаларда ўзбек халқининг Муҳаммадқодирлари чиқади, бошқалар уларга эргашади, қўллаб-қувватлайди. Она халқимизнинг ҳаёт тажрибасида минг бора исботланган «Яхшиният-ярим давлат» деган мақолига асосланиб айтиш мумкинки, - XXI асрда ўзбек мўъжизаси рўй беради! Бу албатта ўз-ўзидан рўй бериб қолмайди, ғайрат ва фақатгина фидойилик билан қилинган меҳнат эвазига келади. Бу йўлда мустабид даврда табиатимизга ўрнашиб қолган айрим салбий иллатлардан қутулиш керак.

Албатта, ўтган умрдан, ўтган асрдан норизо бўлиш ярашмайди. XX аср инсоният тарихида техника асри, ривожланиш асри, компьютер мўъжизаларини инъом этган аср сифатида қолади. Келаётган XXI асрдан ниятларимиз, орзуларимиз жуда катта. Энг муҳими - тинчлик, осойишталик, саломатлик бўлса кўраверамиз. Инсон сифатида яна бир нарсага, бир асрдан иккинчи асрга қадам қўйиш насиб этганидан шукр қиламиз.

Янги йил, янги аср ҳаммамизга қутлуғ бўлсин!

ЯНГИ ЙИЛ - ЯНГИ ҚУВОНЧУ ЯНГИ ТАШВИШЛАР БИЛАН

ОҚ ИЛОН ОППОҚ ОРЗУЛАР ТИМСОЛИ

Эсимда, болалик пайтларим эди. Уйимиз деворида ўрмалаб чиқаётган оқ илонни дадам ўлдирмоқчи бўлганларида бобом дадамни тўхтатдилар. «Қара ўғлим, оппоқ илон экан. Оқ илон кўринган уй хосиятли бўлади. Оқ илон бахт келтиради», дедилар.

Мунажжимларнинг фикрича, илон шафқатли ва раҳмдил мавжудот экан. Агар бу жониворга хайрихоҳ бўлсангиз у сизга ҳеч қачон ёмонлик қилмас экан.

Таъбирларга қараганда Илон йилида туғилганларни кўпинча донолик ва зийраклик фазилатларига эга, қатъий қарорли, бошлаган ишини албатта охиригача етказадиган хислатлар билан белгиланади. Уларнинг табиатида хотиржамлик оғир-босиқлик ҳукмрон бўлсада, муваффақиятсизликни хуш кўришмайди. Адолатсизликка қарши курашади, ҳар қандай муаммони ўз вақтида ечишга ҳаракат қилади. Ўз ишига меҳр билан, астойдил ҳаракат қилиб мақсад сари интилиб яшайди. Яна бир қизиқ томони шундаки, уларда, бўладиган воқеа - ҳодисаларни олдиндан сезиш қобилиятлари борлиги ҳам таъбирларда келтирилади.

Ж.ЭШОНКУЛОВА.

«ИЛОН ЙИЛИ»ДАН ИЛОНДАН ҚЎРҚҚАНДЕК ҚЎРҚМАСА ҲАМ БЎЛАДИ

От кишнаб кирса, илон эса вишиллаб кирса йил ёмон келади, дейди халқимиз. Кириб келган янги аср Илон йили билан бошланди. Қизиқ, бу сафар «Илон» вишиллаб келдими ёки... Йил календарлари, мучал хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш учун физика-математика фанлари номзоди доцент Мамадмусо МАМАДАЗИМОВ билан суҳбатлашдик.

Курраи заминимизда календарь-тақвимларнинг тури жуда кўп бўлиб, кенг тарқалганлари асосан уч хилдир: Ой календари, Қуёш-Ой ва Қуёш календари. Бу солномаларда вақт оралиғи сифатида осмон жисмларининг айланиш даврлари асос қилиб олинади. Ой календарида Ойнинг Ер атрофида Қуёшга нисбатан айланиш даври - синодик давр деб ҳам аталувчи бу календарь 622 йилдан, Пайғамбаримиз Маккадан Мадинага ҳижрат қилган даврларидан бошланган бўлиб, бир йилнинг узунлиги 354 (ёки 355) кунга тенгдир.

Қуёш-Ой календарида Ойнинг синодик даври ҳамда Қуёшнинг Ер атрофидаги кўринма ҳаракатининг (Ернинг Қуёш атрофида айланиши туфайли кузатиладиган ҳаракат) даврига асосланади. Бу солномада йил узунлиги икки хил бўлиб, кўпинча 354 (ёки 355) суткани, баъзан эса 383 (ёки 384) суткани ташкил қилади.

Сайёрамизда кенг тарқалган, жумладан ўзимиз амал қилаётган календарь Қуёш календари бўлиб, унинг асосида Қуёшнинг кўринма ҳаракатининг даври - бир тропик йил ётади. Бир тропик йил 365 сутка-ю, 5 соату 48 минуту 46 секундга тенгдир. Биринчи марта Римда Юлий Цезарь томонидан жорий қилиниб, 1582 йили Рим папаси Григорий XIII томонидан тузатилган бу солнома - Григориан календари деб номланади.

Энди мучал масаласига келсак, айтиш керакки, у эрамиздан икки минг йилдан кўпроқ вақт илгари шарқда вужудга келган циклик календардир. Бу солнома 60 йиллик цикл (давр)га эга бўлиб, қадимда кўп асрлар давомида Японияда, Корея, Мўғулистон ва Тибетда кенг қўлланилган. Бунда ҳар бир цикл бешта «осмон шохобчаси» ва бу шохобчаларга мос келувчи 12 «Ер» шохобчаси»га бўлинади. (яъни 5 х 12= 60 йил)

Солномада бешта «осмон шохобчаси» беш унсур (ёғоч, олов, сув, ер, металл) билан номлангани ҳолда «ер шохобчаси» - сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, аждарҳо, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз каби номларда аталади. Шунингдек, циклнинг бешинчи йили аждарҳо, балиқ деб ишлатилади. Кўпчилик балиқ йилида сув серобчилиги бўлади, деб эътироф этади. Кузатганлар аниқ билишадики, бу йил Балиқ йили Марказий Осиё давлатларида қурғоқчилик билан келди. Европа, айниқса Франция ўлкаларида эса ёғингарчилик кўп бўлди. Масалан 1976 йил ҳам балиқ йили бўлган. Ўша даврда ҳаммаси тескари бўлган эди. Кўриниб турибдики, бу мучалга ишораю башоратлар ҳеч қандай илмий асосга эга эмас. Фақат илми нужумдаги биргина сир-асрордан хабардор бўлиш барча масалаларга ойдинлик киритади, менимча. Гап шундаки, табиатдаги барча ўзгариш ва такрорланишлар Қуёш фаоллигининг ортиши ёки камайиши билан боғлиқ. Қуёшдаги муайян ўзгаришлар қонуний 11-12 йиллик изчил даврга эга. Ана шунинг учун, дейлик, Мексикадаги кучли зилзила 12 йил ичида қайта такрорланган-гудек бўлса, ёхуд 1989 йиллардаги буюк ислоҳотлар даври яна авж олса, ундан ҳеч қандай сеҳр-жоду кутиш керак эмас. Бунинг барчаси табиий зарурат.

Н. АЛИМОВ тайёрлади.

ТАДБИРКОР ТАДБИР ИЗЛАЙДИ

Сурхондарё

ИШ БИЛГАНГА... БАЛЛИ

Бир минг тўққиз юз етмишинчи йилларнинг охири эди. Бойсунда қўш қаватли янги «Универмаг» қурилишига пойдевор қўйилди. Орадан кўп ўтмай бино деворлари қад ростлади. Одамлар хурсанд.

Чунки собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон туманларида бундай бинолар қурилишига кам учрайдиган ҳол эди-да. «Универмаг» ишга тушса, узоғимиз яқин, мушкулимиз осон кўчади, деб ўйлашарди улар. Аммо уларнинг қувончи узоққа бормади. Қурилиш объектида ишлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Бир кун эмас, бир йил ҳам эмас, қарийб йигирма йил шаҳарининг қоқ ўртасида ташландиқ ҳолда ётди.

Лекин Истиқлол эса аросатда ётган бинога ҳам жон ато этди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бинонинг қурилиши жадал суратда давом эттирилди. Энди у «универмаг» эмас, «Супермаркет»га мослаб қайта қурилди. Барча куч ва имкониятлар бу ишга сафарбар этилди. Натижа ёмон бўлмади. Қурилишда кўзда тутилган ишлар бир йилга етмай охирига етказилди. Бойсунда шу тариқа савдо ишлаб чиқариш комбинати вужудга келди.

Корхонага савдо соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассис Нормамат Қодиров бошлиқ этиб тайинланди. Савдо нуқталари сонини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйиш чораларини кўрди. Қисқа муддат ичида 50 ўринли кийим-кечак тикиш корхонасини йўлга қўйди. Гилам тўқишни ташкил этди. Бу ишга ҳунармандлар жалб этилди. Макарон, чанқовбости ичимликлар, нон ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларидан барча баҳраманд бўла бошлади. Савдо нуқталари сони 25 тага кўпайтирилди. Ўтган йили аҳоли жон бошига 5918 сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Ёки бошқача қилиб айтганда, 39 миллион 722 минг сўмлик кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, товар оборот қилиш режаси 145 миллион 605 минг сўмга адо этилди.

Тилга олиб ўтилган рақамлар салмоқли. Аммо булар тадбиркор йигит Н.Қодировни қаноатлантирмаяпти. Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги турлари жорий этиляпти. Алибастр, гипс ана шуларнинг бири. Шўробда яна бир корхона иш бошлади. Йилда 800-900 тонна гипс, алибастр ишлаб чиқариш қувватига эга.

Савдо ишлаб чиқариш корхонасида бўрдоқичиликни ҳам юксалтириш соҳасида астойдил иш олиб борилаяпти. Ҳозирча фермада 60 бош қорамол, 700 бошга яқин майда мол парвариш қилиняпти. Чорва моллар сонини минг бошга етказиш назарда тутилган. Эришилган муваффақиятларда Н.Қодиров билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Ҳасан Ражабов, Нурилла Беққулов, Умидилла Исмоилов, Усмон Мирзаев, Умид Зиёдуллаев, Исроил Раҳимов, Зоҳир Раҳматов, Чори Хурсандов, Зариф Умаровларнинг муносиб хизмати бор.

- Гипсга, алибастрга талаб катта - дейди биз билан суҳбатда савдо бўлими бошлиғи Ботир Умаров, - Шуни Назарда тутиб қўшма корхона қурмоқчимиз. Маҳсулот икки ҳисса ошади. Макарон ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида корхонани кенгайтиришни мўлжаллаганмиз.

Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ЭРТАК АЙТГАН ОҚСОҚОЛ!

(Боши 1-бетда)

- Мана беш йилдирки, Мустақиллик майдонида бўлиб ўтадиган Янги йил байрами томошаси сценарийсини ёзиб бераяпман. Бу йил ҳам «Она замин, сенга таъзим» ва «Ўзга сайёраликларнинг ташрифи» деб номланган иккита эртак ёзиб, саҳналаштирдик.

Ҳар икки эртак ҳам яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилган. Албатта ёмонлик устидан яхшилик ғалаба қозонади. Эртакларимга Қоработир, Ялмоғиз кампир образларини киритганман. Улар қандай бўлмасин Янги йил байрамини бузиш ҳаракатида бўлишади. Болаларнинг хурсандчилигини кўришолмайди. Қорбобо ва бошқа эзгу ниятли қаҳрамонлар эса уларга қарши курашишади ва охир оқибат уларни темир сандиққа солиб қўйишади. Энди уларга байрам ўтқазишда ҳеч ким халақит бермайди. Бу эртакда кўплаб мажозий номлардан фойдаланганман.

- Омонулла ака, ушбу эртак қаҳрамоиларининг либослари ҳам болаларни ўзига тортади. Эртак ижрочилари кимлар?

- Тўғри айтасиз. Либослар ҳақиқатдан ҳам жудаям ранг-баранг бўлиб ҳар бир эртак қаҳрамонининг ролига қараб мослаб тикилган. Биз бу либосларни байрамнинг Бош режиссёри, Тошкент шаҳар маданият бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳамидов билан биргаликда тайёрладик. Эртак ижрочилари Маданият институти талабалари, Толибжон Содиқов номидаги маданият уйи тўгарак қатнашчилари ва мактаб ўқувчиларидир.

- Байрам дастурларини ёзишни қачондан бошлагансиз. Ўзингизнинг маҳалангизда бўладиган тадбирларда ҳам ҳиссангиз катта бўлса керак?

- Сирни очиб қўя қолай, 30 йил Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрида Бош режиссёр, режиссёр бўлиб ишладим. 10 йилдан бери Наврўз, Мустақиллик байрамларига режиссёр сифатида қатнашиб келаман. Маҳалламга келадиган бўлсак ҳали бирон-бир тадбир оддий, зерикарли ўтмаган. Ҳар бир тадбир спектаклдай ўтади. Биз билан ҳамкорлик қилган корхона, ташкилотлар ҳам хурсанд бўлишади.

О.БЕГАЛИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Фаластин раҳбари Я.Арафат АҚШ президенти Б.Клинтоннинг таклифига биноан бугун Вашингтонга келди. Иккала раҳбарлар Янги Шарқ можароси бўйича Оқ уйнинг янги таклифини муҳокама қиладилар. Бунда гап асосан Қуддуснинг мақоми ҳақида бориши айтилмоқда. Куни кеча Б.Клинтон Исроил бош вазири Е.Барак билан суҳбатлашган эди.

***

Янги йил арафасида Чеченистонга нисбатан осойишталик ҳукм сурди. Бироқ матбуот хабарларига кўра бу ердаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Жангчилар қўл қовуштириб ўтирмаяптилар. Уларнинг Грознийдаги блок постга қилган ҳужумлари натижасида милиционерлардан бири вафот қилиб олтитаси яраланган.

***

Америкадаги миллий мудофаа фондининг берган маълумотига кўра (бу фонд 1978 йили ташкил этилган) ҳозирги кунда дунёда 68 та оловли нуқта мавжудки, буларга АҚШнинг Ж.Буш бошчилигидаги янги маъмурияти ҳисобга олиши даркор. Ушбу оловли нуқталар ичида Афғонистон, Сомали, Сьерра-Леоне, Конго, Ироқ давлатларидаги вазият анча оғир.

***

Ҳиндистон ва Покистон давлатлари бир-бирлари билан ядро марказлари рўйхатини алмашдилар. Янги йил арафасида амалга оширилган бу иш томонлар ўртасида 1988 йили имзоланган келишувга асосланган.

***

Туркманистон ва Россия ўртасидаги газ масаласидаги контракт ҳамон имзоланмай қолди. Томонлар газнинг нархи устида келиша олишмаяпти. Туркман томони таклиф қилганлар минг кубометри учун 40 доллар Россия томони қониқтирмаган кўринади. Агар томонлар бу масалада бир битимга келишса у ҳолда Туркманистон 2001 йили Россияга 30 миллиард кубометр газ экспорт қилади.

***

Германиядаги неонацистларнинг ўтган йили қилган тартибсизликлари натижасида ўн киши ҳаётдан кўз юмган. Кўплаб хонадонлар ёнган.

***

Европа мамлакатлари четдан олиб келинаётган мол гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларига эҳтиёткорлик билан ёндашмоқдалар. Германия давлати эса Янги йил арафасида умуман бундай маҳсулот олиб киришни таъқиқлаб қўйди.

Хориж матбуоти материаллари асосида Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

МОВАРОУННАҲР ФАҚИҲЛАРИ

ҲОФИЗУДДИН НАСАФИЙ

УСТОЗЛАРИ ҲАҚИДА

А.САИДОВ, С.ИСХОКОВ

Бебаҳо маълумотлар берувчи кўплаб асарларда Моваройуннаҳр фиқҳ мактабининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, машҳур ҳуқуқшунос - фақиҳ олимлар қаторида Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Баракот Ҳофизуддин Насафийнинг ҳам хизматлари алоҳида қайд этилган. Моваройуннаҳр Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида таваллуд топган бу зот ҳуқуқнинг ҳанафий мазҳабининг ривожланишига, айниқса фуруъул фиқҳ борасида Бурҳониддин Марғиноний таълимоти анъаналарининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Абдулҳай Лакнавийнинг ёзишича, Ҳофизуддин Насафий комил маънодаги имом, ўз даврининг тенги йўқ олими, фиқҳ соҳасида пешқадам, ҳадис илми бўйича билимдон, усул соҳасида бетакрор фикрли олим бўлганлар.

Ҳофизуддин Насафий ўз замонасининг энг етук олимларидан ҳадис тинглаб, фиқҳ илмини ўрганганлар. Ҳофизуддин Насафий илмни Абдусаттор Кардарийдан (599 ҳижрийда туғилган), Бадриддин Ҳавоҳирзодадан (ҳавоҳирзода - олимнинг синглисининг ўғли дегани) ва Ҳумайдиддин Зариддан олганлар.

Абдусаттор Кардарийнинг энг улуғ устозлари машҳур фақиҳ Фахрутдин Ҳасан ибн Мансур Қозихон ва Али ибн Бакр Бурҳониддин Марғиноний бўлганлар. Лақаблари уммат қуёши бўлган Абдусаттор Кардарий ҳақида замондошлари, ул зот фуруъул ва усул илмини Абу Зайд Дабусийдан сўнг қайта тирилтирди, дейишган.

Ҳофизуддин Насафийнинг яна бир устозлари Аҳмад ибн Маҳмуд Нуруддин ас-Собунийдир (580 йил вафот этган), Собуний деб номланишларига сабаб у зотнинг совун ясаб савдо қилишлари бўлган. Нуруддин Собуний калом илмида ниҳоятда моҳир бўлганлар. Котиб Чалабий «Кашф аз-зунун» асарларида келтиришларича, Собуний калом илми бўйича «ал-Ҳидоя» номли асар ёзганлар, сўнг ушбу асарни ўзлари қисқартириб «ал-Бидоя» деб ном берганлар.

Ҳофизуддин Насафий Қарши, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Марв, Боғдод, Макка, Мадина ва ўша даврдаги бошқа диний, фиқҳий ва маърифий илмлар ривожланган шаҳарларда бўлиб ҳадис илмини, калом илмини, фиқҳ илмларини ўрганганлар.

Кафавий «Катоиб алоълом алаҳёр» номли китобларида келтиришларича, «Абул Баракот» Насафийнинг кунъялари бўлиб, бу баракотли меҳнатлари асарлари шарафига ўлароқ берилган тахаллусдир. Ал Қўраший қаламига мансуб «Ал жавоҳир музиа фитабақот ал Ҳанафия» номли асарларида келтиришларича, «Ҳофихуддин» «динни асровчиси» ҳам Абдуллоҳ Насафийга берилган лақаб бўлиб, ўша даврда мазкур лақаб бор йўғи икки кишига берилган. Биринчиси Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал Бухорий ва иккинчиси Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абулбаракот Ҳофизиддин Насафийдир. Бу иккала зот ҳам Абдусаттор Кадарийдан илм олганлар.

Ҳофизиддин Насафийнинг «Ал-вофий» (тўла, мукаммал деган маънода), «Ал Кофий» (етарли, кифоя қилувчи. Аслида «Ал-Вофий»нинг шарҳи), «Канзур-Рақоиқ» (нозик, нодир масалалар тўплами), «Мусаффо» (танланган маънода), «Манорул Анвар» («Нурлар маёғи»), «Кашфул асрор» (Сирларни очиш»), «Умда» («Асос», «Таянч»), «Ал-эътимод» («Ишонч») каби нодир асарлари мавжуд.

Котиб Чалабий қаламига мансуб «Кашфуззунун» асарида қайд этилишича, Ҳофизуддин Насафийнинг ўзи шундай ёзган: «Менинг хаёлимга «Жомеъус сағир» ва «Жомеъул Кабир» ва «Зиёдот» масалаларини жамлаган, ҳамда баъзи хилоф масалаларни ва баъзи фатволарни жамлаган бир асарни тасниф этиш келиб қолди. Тез орада таклиф қилиб бир асар ёздим ва унга «Ал-вофий» деб ном бердим. Сўнг бироз ўтиб уни шарҳлаб, «Ал Кофий» деб ном бердим».

Умар ал Итқонийнинг айтишларича, Насафий «Ал-Ҳидоя»ни шарҳламоқчи бўлганларида Тожуш шариат «бу сенга лойиқ эмас» деб қайтарганлар, яъни Ҳофизуддин Насафийнинг «Ал-Ҳидоя»ни шарҳлагандан кўра, у баробарида бир асар яратишларини маъқул кўрганлар.

«Ал Кофий» ёзилиш услуби билан ҳам бошқа фиқҳий китоблардан фарқ қилади. Қайси мавзу ёритилса аввал ўша термин луғатга кўра қайси маънони билдириши айтилган, сўнг Ҳанафий мазҳаби бўйича фиққий хулосалар берилиб, унга мухолиф равишда имом Шофиъийнинг фикр ва далиллари ёки бошқа мазҳаб соҳибларининг қарашлари баён этилган.

«Ал-Вофий» - асари тузилиш жиҳатидан - яъни кесимни олдин келтиришлик ёки учта-тўртта жумлага битта кесим келтиришлик ёки эгани яшириб зикр қилиш жиҳатидан Абайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Мухтасари»га ўхшаб кетади. Тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун ушбу китобдан бир парча келтирамиз:

«НИКОҲ» КИТОБИ

«Никоҳ» луғатга кўра қўшилишдир. Шу маънода «биз бировга қўшилдик» деб аталади, яъни ушбу жумладаги «анкахно» сўзи қўшилиш маъносини беради. Бу сўз кейинчалик ватийга ҳам яъни қўшилиш маъноси бўлганлиги учун ишлатилинган. Унда ақд «битим, келишув» маъноси ҳам борлиги учун ақдларда ишлатилади. Ақд - ўз ўрнида шариатнинг бошқа ақдлари қатори рукни билангина боғланади. Рукн эса ийжоб ва қабулдан иборатдир, никоҳ ақдининг аҳли эса, бошқа ақдлардаги каби (болиғ, соғлом) кишилардир. Ўрни эса бу ҳукмни қабул қиладиган ўриндир. Ҳукми эса мулк ва ҳалолликдир (эгалик қилиш), мақсад эса фарзанд кўриш, насл қолдиришдир. Бу нарса эса (яъни уйланиб, турмушга чиқиб машғул бўлиб қолишлик) нафл ибодатлари учун бўш вақт излашдан кўра афзалдир. Имом Шофиъий фикрича, «Агар инсоннинг нафси аёллар томонга қаттиқ хоҳламаса, у ҳолда нафл ибодатлар учун бўш вақтни излаш (шароит яратиш) афзалдир. Акс ҳолда нафл ибодатга киши сабр қила олмайди. Чунки никоҳ муомалат ишларидан бўлиб, ҳатто ғайри дин кишилар орасида қайд этилган никоҳ ҳам тўғри дейилади. Ибодат эса муомалатдан кучлироқдир, чунки ибодат Оллоҳнинг шариати бўлса, муомалатни эса бизларга (инсонларга) шариат қилингандир».

Бунга жавобан Биз, Расулиллоҳ (САВ) сўзларини келтирамиз. Ул жанобнинг «Кимки менинг ва Довуд ва Сулаймоннинг ва Иброҳимнинг динида бўлса уйлансин! Агар унга имкон топа олмаса Оллоҳ йўлида курашсин» деган ҳадисларида, никоҳни дин ишларидан (яъни ибодатдан) деб санаб уни жиҳоддан олдинги ўринга қўйганларидир. Расулуллоҳ сўзларидан шариат рухсат берган адад черагасида уйланиб, оила билан машғул бўлиб нафл ибодатларига вақт топа олмасликнинг ҳам мавқеи юқорилиги келиб чиққандир. Ушбудан собит бўлиб турибдики, никоҳ бу тахаллий (яъни ибодат учун бўш қолиш, давомий бўш вақт)дан афзалдир. Чунки Расулуллоҳ ўз умматларига энг афзал бўлган йўлларни баён қилганлар. Ул зот «Уйланинглар, кўпайинглар, қиёматда умматларимнинг кўплиги билан бошқа пайғамбарлар олдида фахрланаман» деганлар. Ушбу сўз (уйланинглар) амр, буйруқ (вожиб) учун келган бўлса, у ҳолда уйланиш, турмушга чиқиш нафл ибодатларидан устунлиги маълум бўлади. Чунки ижмоъга кўра, вожиб нафлдан устундир. Агар бу амр вожиб учун юрмаса, у ҳолда суннатга мос бўлади.

Ҳофизуддин Насафийнинг фиққий асарлари қаторида эътиборга молик асарлардан бири бу «Канзуд Дақоиқ» - нозик масалалар тўпламидир.

Муаллиф «Канзуд-Дақоиқ»ни тузишда баъзи бир шарҳларни бериб кетганлар. Мисол учун агар «ҳо» ҳарфи қўйилган бўлса, бу Абу Ҳанифанинг сўзлари, «син» ҳарфи бўлса, Абу Юсуфга тегишли, «мим» Муҳаммад Шайбонийга тегишли, «зо» Зуфар ибн Ҳузайлга, «фо» Муҳаммад Идрис Шофеъийга, «коф» имом Моликка, «вов» эса Ҳанафий мазҳаби уламоларига тегишли фиқҳни билдирган. «Конзул-Дақоиқ» тузилиши жиҳатидан ихчам ва балоғатлидир, яъни ихчам бўлса ҳам маъноси кенг. Шу туфайли бўлса керак «Ал Кофийга» фақатгина битта фақиҳ яъни Баҳоуддин Абул Бақо Муҳаммад ибн Аҳмад ибн зиё ал Маккий (854 йил вафот этган) томонидан ёзилган шарҳ маълум бўлса, «Канзул-Дақоиқ»қа эса ўттизга яқин шарҳлар ёзилган. Сўзимизнинг далили сифатида «Канзул Дақоиқ»нинг «Талоқ» китобидан бир парча келтирамиз.

«Талоқ бу никоҳ билан шаръий собит бўлган қайдни кўтаришдир (барҳам берилиши). Талоқ қилишлик эса аёлни тоҳир вақтида (ҳайздан пок) ватий бўлмаган ҳолатида бир талоқ қўйиб то идораси чиқмагунча холи қўйишликдир (яъни ватий қилмай) ва бу Аҳсан талоқдир. Ҳар тоҳир ҳолатида бир талоқдан қўйишлик суннатга мос Ҳасан талоқдир. Тоҳирлик вақтида кетма-кет учталоқ қилиш ёки бир сўз билан учталоқ қилиш бидъатдир, ватий қилинмаган аёл суннатга биноан талоқ қилинади, гарчи ҳайз ҳолида бўлса ҳам.

Умуман ҳайз кўрмайдиган аёлларнинг идораси ойлар билан ҳисобланади ва уларни ватий қилингандан сўнг қилинган талоқ ҳам саҳиҳ ҳисобланади. Ҳайз кўрадиган аёлни ҳайз ҳолатида талоқ қилишлик бидъат ҳисобланади, шу туфайли уни қайтариб олиб иккинчи тоҳир ҳолатида талоқ қилинади. Агар ватий қилинган аёлни «сен суннатга биноан уч талоқсан» деса ҳар тоҳирлик вақтида бир талоқдан тушади».

Ҳофизуддин Насафий фиққий хулосаларини келтирилганларида далиллар сифатида баъзида ибни Масъуднинг «қироатидан келтирганлар». Мисол учун «Ўғрилик китоби»да жиноят устида ушланган ўғри тўғрисида унинг ўнг қўлини «занадидан», яъни русг, яъни бандидан кесилади дейилган. Ушбу ердаги «занад» сўзи фақатгина ибн Масъуднинг қироатида учрайдиган сўздир, «занад» қўлнинг банди деганидир.

Фиққий хулосаларга далил сифатида нодир, лекин ҳамма тан оладиган, истеъмолда кўпу, лекин кўпчилик аҳамият бермайдиган фикр, исбот ҳужжатларни ва ҳуқуқий ечимларни тўпланган бу асарга бир қанча шарҳлар ёзилган.

***

Ҳофизиддин Насафийнинг «Ал Вофий», «Ал Кофий» номли, фуруъулул фиқҳ соҳасида ёзган асарлари шубҳасиз Ҳанафий мазҳабининг ривожига катта ҳисса қўшгандир. Бу асар муаллифи маҳаллий халқнинг урф-одатларини, сўз ибораларини жуда яхши билганлигини, «Савдо», «Никоҳ», «Қасам» китобларида кўриб гувоҳи бўламиз. Ўз асарлари билан фиқҳ илмида ўчмас из қолдирган бу алломаларнинг асарларини ўрганиш ўқувчиларга Ҳанафий мазҳаби ҳуқуқшуносларининг нақадар дақиқ, теран олим бўлганларини, ҳамда мазкур мазҳабнинг нима учун аскар халқ оммаси томонидан кенг қабул қилинганлиги сабабларини муфассал тушунтиради.

Машҳур фақиҳнинг асарларини ўрганиш аввало алломанинг руҳиятларига, ҳамда ўз қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ҳисобланади.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАҲАЛЛАМИЗ ОДАМЛАРИ

Миллат ўз фидойилари билан улуғ. Мени ва оиламни иссиқ бағрига олган, фарзандларим камолотига мен билан тенг қайғурган, яхши-ёмон кунларимда ҳамдарду ҳамнафас бўлган маҳаллам, маҳалла аҳли, маҳалла фидойилари ҳамиша қалбим ардоғидадир. Маҳалла одамлари ҳақида ўйласам яйраб кетаман.

Шаҳардаги 450 маҳалла орасида ҳуқуқий ва маърифий тарғибот бўйича самарали ишлар олиб бораётган, танловларда ғолиб келиб, соврин устига соврин олаётган Акмал Икромов Аброр Ҳидоятов маҳалласи деган номни улуғлаётган маҳалламиз фидойи фаоллари ҳақида такрор ва такрор ўйлайману, қалбим ғурурга тўлиб бораётганини ҳис қиламану, нега булар ҳақида ёзмадим экан дея ўзимга савол ҳам бераман.

Марат Ғуломовнинг раис этиб қайта-қайта сайланаётганига ҳам олти йил бўлди. Биламан, шу олти йил давомида маҳаллада янги руҳ, янги кайфият пайдо бўлди: ободончилик ҳамманинг ишига айланди, кўчалар асфальтланди, сув бормаган хонадонлар қолмади, маҳалла - мактаб алоқаси янги босқичга кўтарилди, аълочи ўқувчиларга, илғор муаллимларга доимий мукофот белгиланди, ҳуқуқ тарғиботи кучайтирилди, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш тугатилди, қамоқ муддатини ўтаб келганлар ишга жойлаштирилди, тўй-маъракалардаги ортиқча тантаналар барҳам еди. Кўча эшиги олдига гул экмаган хонадон қолмади, дуч келганда саломлашмасдан ўтиш, қўшни касал бўлиб қолганда хабар олмаслик айб ҳисобланадиган бўлди. Ана шу руҳий ҳолат беш ярим минг кишидаги кўтаринки кайфият ўзўзидан бўлмади, албатта. Маҳалла фидойиларининг туну кун югуриб-елиб қилган меҳнати туфайли бўлди.

АСАР ҚАҲРАМОНИ БЎЛСА АРЗИЙДИ

Ана шу фидойилардан бири Муҳаррам опа Боймуҳамедова. Опамизнинг маҳалладаги котиба бўлганига ўттиз беш йил бўлди. Номига котиба, аслида маҳалланинг жонкуяр, меҳрибон онахони. Қизиқ, беш минг кишининг номини ёддан билади, ўттиз йил олдин кимга далолатнома берган бўлса, кимнинг ҳақида яхши гап айтган бўлса, ҳаммаси ёдида туради. Тўйлар, маросимлар опанинг иштирокисиз, маслаҳатимиз ўтмайдиган бўлиб қолган. Йиғлаганга қўшилиб йиғлайди, кулганга қўшилиб кулади.

Муҳаррам опа билан суҳбатлар қурганимда, фаолиятини гоҳ ошкор, гоҳ зимдан кузатганимда кўпинча ўзбек адабиётида ўқиган асарларимни эслаб кетаман. Хўш, ана шундай - ишлаб дам оладиган, маҳкамасини курорт деб билиб, бутун умрини эзгуликка, яхши одамларга бағишлай оладиган аёл, катта ҳарф билан ёзиладиган онахон образи борми ўзи? Афсуски, «Ҳа» деб айтолмаймиз. Муҳаррам опамиздек фидойи опалар образини худди шу опаларнинг ўзидан олиб, бутун дунёга кўрсатсак, бу опа бизнинг маҳалламизда яшайди деб фахрлансак, арзийдику ахир, деб ўйлайман.

МАҲАЛЛАГА МАЪНО ОПА

Раънохон Дадахўжаевани нг хайрли ишлари, фидойи меҳнати бир эмас, икки китобга сиғмайди. Катта-катта йиғинлар, тўю маъракалар, қизалоқлар хулқи-ахлоқини кўркам қилиш, чиройли кийиниш, аъло ўқиш, меҳмон кутиш, пазандалигу бичиш-тикишни ўргатиш, даврада ўтиришу, асада йиғлай билиш... Маҳалалнинг шоира қизлари унга атаб шеър ҳам битиб қўйишган:

Раъно опам, доно опам,
Сўзи тўла маъно опам,
Одобу ахлоқ ўргатар,
Ҳам иффату ҳаё опам.

Катта бўлсам раъно бўлай,
Маҳаллага маъно бўлай,
Кам гапириб, кўп-кўп ишлаб,
Ҳам оқилу доно бўлай.

ЁШЛАРНИНГ ЖОНУ ДИЛИ

Омоннулла Мадаев ҳақида маҳалланинг ёшу қариси қуйидагича оғзаки далолатнома тайёрлаб бир-бирларига айтиб юришади.

«Доцент, фольклоршунос олим, маҳалланинг маънавият ва маърифат ишлари топширилган унга (аслида ўзи сўраб олган бу вазифани). Характери шунақа - катта ишдан хайрли юмушлардан четда қолмайди. Китоблар ёзади, ҳар китоби чиққанда маҳаллага бамисоли нур ёғилгандек бўлади, таниш-билишларининг, шогирдларининг хонадони нурафшон бўлиб кетади. Маҳалла ёшларининг жону дили у, ўқитади, ўргатади. Адабиёт оламидаги янгиликларни маҳаллага келтириб, маҳалланинг маънавият чироғини парпиратиб ёқиб туради.

Қани энди, деб ўйлайман ҳар биримиз ҳақимизда ҳам яшаб турган жойимизда ана шундай илиқ, самимий сўзлар айтилса. Мен буларга ҳеч нарса қўшолмайман.

Омонулланинг ҳазилкашлиги, дилбарлиги ҳам бор. Эҳтимол, маҳаллада маънавият тўлқинини мавжлантираётганида характеридаги ана шу гўзаллик ҳам қўл келаётгандир.

Дилбар одам билан ҳаммани нг ҳам сўзлашгиси, мулоқотда бўлгиси келади. Шундай эмасми?

ЯХШИ ХУЛҚУ ЯХШИ ОДОБ ШИОРИ

Ҳам муаллим, ҳам қўли гул уста, ҳам маҳалла посбонлари сардори Шавкат Охунов ҳақида яъни эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, маҳалла аҳлининг ижодкор кунию, оромли уйқусига қайғурадиган, сенинг ўғлинг, менинг ўғлим, сенинг қизинг менинг қизим, дея ҳар бир ёшнинг бошини силашга тайёр бўлган бу азамат йигитнинг жўмардлиги, фидойилигига тан бериб, унинг ҳақида ихчамгина шеър ҳам битишган, шу шеър орқали кўнгилларидаги бор гапни айтиб қўя қолишган.

Шавкат ака посбонларнинг
сардори,
Энди йўқдир кўча-кўйда
безори.
Ёшлар қалбин эъзозлайди
ҳар нафас,
Яхши хулқу яхши одоб
шиори.

ФАОЛЛАРДАН БИРИ...

Қадим замонда кунлардан бир кун кампирнинг эчкисини ўғирлаб кетишибди. Кампир оҳ-воҳ қилиб шаҳаншоҳ ҳазратларининг ҳузурига арз билан борибди. Шаҳаншоҳ «Эй кампир, кечаси ухлаб қолган экансизда!», деб сўрабди. Шунда кампир «Ҳа, шаҳаншоҳим сиз тунда уйғоқ бўласиз, деб мен бемалол ухлайверган эдим», дебди... Шундай Файзулла бор-ку, деб катта маҳалланинг маиший хизматини паққос унинг зиммасига юклаб қўйишганга ўхшайди. Файзулло югурганию югурган, ҳаммасига ўзини масъулиятли деб билади. Оллоҳ унинг лойини қораётганда руҳига элга беминнат хизмат қилишдек гўзал фазилатни ҳам қўшиб яратган, хизмат қилаётганингда кўлиб турган деб тайинлаб ҳам қўйган экан.

***

Раис билан бошлаган суҳбатимиз кўпинча охирига етмай қолади. Гоҳ ҳокимиятга, гоҳ бирон жамғарма ё ташкилотга чақириб қолишади. Ҳуқуқшуносда, жамият ўз ишини қайта қураётганида улар сувдек, ҳаводек зарур бўлкан. Республика ҳуқуқий тарғибот марказига бош маслаҳатчи қилиб кўтаришган. Шаҳар оқсоқоллар кенгаши раиси муовини қилиб сайлашган. Республика «Маҳалла» жамғармаси раёсати аъзоси. Гоҳ Қўқон, гоҳ Урганч, гоҳ олис бир қишлоқда ўтадиган фуқаро ҳуқуқи баҳсига бағишланган анжуманга таклиф қилиб қолишади. Маҳаллада эса ҳаммасидан ҳам кўпроқ ишлашга тўғри келади.

- Бугун етита масалани кўриб чиқамиз, - маҳалла фаоллар мажлисини очади Марат Ғуломов, - фикрлар лўндаю, сўзлар қисқа бўлсин.

Фаоллар бирин-кетин сўзга чиқишади, раис ҳаммасини диққат билан тинглайди. Сўзламаган, фикр айтмаган ҳеч ким қолмасин, дейди... Мен эса раиснинг сўзлари, ҳаракатлари, сўзлаётгандаги юз-кўзларининг ифодаларини кузатаман... Қизиқ, тўсатдан унинг отаси, марҳум Ўринбой ака Ғуломовни ўйлаб кетаман. Оддий тиш доктори, камтар, куйди-пишди Ўринбой ака маҳаллага қирқ йил раислик қилган эди. 1970 йили мен бу фидокор инсон ҳақида «Ёруғ юз» билан сарлавҳали мақола ёзиб, «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилгандим.

Бугун эса маҳаллага унинг ўғли раислик қилаяпти, юз тузилишлари, ҳаракатлари, сўзни тоблаб-тоблаб дона-дона айтишлари, айтаётганда қошининг ғалати чимирилиши отасига жуда ҳам ўхшаб кетади.

Ҳа, ҳа кўп ҳислату фазилатлар отасидан ўтган ва кўплари турмуш тажрибасидан келиб чиққан, эл-юрт бекорга уни эъзозламаётган экан, фазилатли кишилар ҳамиша эъзозли бўлади, ҳурматда бўлади.

КИТОБ ШАРХИ

АСРИМИЗДАН СЎЗЛОВЧИ АСАР

Маълумки бир неча ой олдин юртбошимиз Ислом Каримов пойтахтдаги Оқсаройда зиёли, олим, ёзувчиларни йиғиб, миллий истиқлол ғояси, миллий мафкура хусусида очиқ мулоқот ўтказгандилар. Суҳбатда Йўлбошчимиз ҳамон Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Боту, Элбек каби истиқлол фидойиларининг жасоратлари, ишлари ҳақида етарли билимлар берилмаётганлигига диққатни қаратдилар.

Ана шу нуқтаи назардан ёндошган миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғояни шакллантириш, тараққиёт нуқтасига чиқаришнинг концепциясини ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилди. Аввало бу муаммо ечими қадриятларимиз илдизига бориб тақалади. Бу масала биринчи галда ёшларимиз онгида Ватанга, халққа муҳаббат туйғусини шакллантириш борасида муҳимдир.

Ўзбек адабиётшунослигида ном тараган филология фанлари доктори, Термиз давлат университети профессори Қудрат Жўраев ҳудди шу хусусда фикр юритиб, тадқиқот мавзусини, қадриятларимизни тиклаш, ота-боболаримиз мафкураси ва ғоявий мақсадини очиқ ифода этишга қаратилганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Олим бир неча йилдан буён жадид адабиёти, жадидчилар ҳаёти, зиёлиларимизнинг маърифатпарварлик фаолиятлари билан боғлиқ муаммолар устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Жадид адабиётининг шарқ халқлари адабиётидаги тутган ўрни мавзусида Эрон мамлакатининг Теҳрон, Исфахон, Шероз ва тарбияи мударрис университетларида сафарда бўлиб, маърузалар ўқиб қайтди.

Қ.Жўраев илмий-тадқиқотлари самараси ўлароқ «20 йиллар драматургияси» номли монографиясини китобхонларга тақдим этди. Монография 20-йиллар драматургиясининг мураккаб жиҳатларини илмий таҳлил этишга, юрт, Ватан, миллат озодлиги йўлида жонини гаровга қўйган, истиқлолга интилган қатор адиблар ҳаёти, ижтимоий-ижодий фаолиятларини янгича тафаккур нуқтаи-назаридан ўрганишга бағишланган. Асарда асримизнинг бошларидаги драматургик жараён, театр санъатининг шаклланиши ва жадидчилик ҳаракатининг ёппасига ҳаётимизга сингиб борганлиги ёрқин мисолларда кўрсатилади. Муаллиф «20-йиллар драматургиясининг ғоявий йўналиши», «Драматургияда тарихий ўтмиш талқини ва бадиий изланишлар» деб аталувчи уч боб воситасида илмий-назарий фикрларини илгари суради. Фитрат, Чўлпон, Маннон Уйғур, Зиё Саид, Ғози Юнус каби қатор сўз санъаткорларининг шижоатига тўла фаолиятларини тасвирлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 20-йиллар драматургияси бошқа санъаткорлар томонидан яратилган пьесалар, айниқса Фитрат, Ҳамза асарларидан сезиларли равишда фарқ қилади. Бу фарқ мазкур асарларнинг ғоявий - бадиий қимматида ўз ифодасини топган. Атоқли режиссёр Маннон Уйғур қаламига мансуб «Туркистон табиби», «Фаний уй», «Ўн икки соатлик ҳокимият» (1919), Ғози Юнуснинг «Биринчи май» (1927), Зиё Саид билан Мўминжоннинг «Қонли кун» (1926) драмалари шундай мазмундаги пьесалар эканлиги асардан маълум бўлади.

Олимнинг яна бир хизмати шундаки, ўша давр драматургиясининг замонавий мавзуларини «совутмай» туриб ёритганлиги тўғрисида сўз борар экан, Ҳамза анъаналарининг давомчиси Комил Яшиннинг драматург сифатидаги фаолияти атрофлича ўрганилган ва давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, чуқур таҳлил этилган.

Шуни ҳам тан олиш лозимки, ўзбек драматургияси гарчанд жадидчилик даврида майдонга келган бўлса-ла, унинг мумтоз турлари кейинги давр учун ҳам намуна ролини бажариб келаяпти. Шу сабабли бу даврда шаклланган адабий жараённи, хусусан, драматургия соҳасида олиб борилган изланишлар тадқиқотчининг кенг қамровли илмий талқинидир. Монография ҳозирда ва келгусида миллий мафкура ва илмий ғоямизни ҳаётга тадбиқ этишда зиёлиларимиз ва ёшларимиз учун маънавият-маърифат тарбиясини оммага сингдиришда катта аҳамият касб этиши мумкин.

Х.ХОЛИЁРОВ,
Термиз давлат университети профессори.

МЕҲР ҚОЛУР...

ОҚИБАТЛИ НУРАЛИ РАИС

Шу йил Ғузор тумани ўқитувчиларнинг август анжуманида «Истиқлол» жамоа хўжалиги раиси Нурали Оралов сўзга чиқиб, маърифий йўналишда ўз фикрларини айтиш билан бирга Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги воқеаларга муносабатини билдириб, босқинчи экстремистик кучларга қарши мардонавор жангларда жасурлик кўрсатиб, ҳалок бўлган асли китоблик Шаҳрисабз туман ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмасининг ходими, милиция кичик сержанти Абдуҳалим Тошқуловнинг оиласига ўз шахсий ҳисобидан бир бош сигир ҳадя қилиш нияти борлигини айтган эди.

Нурали Оралов лафзида, ўз сўзида турди. Мусулмон оламида рўзаи рамазон кунлари хайр-эҳсон қилиш ўта савоб эканлигини қалбдан ҳис қилган Нурали раис Ғузор тумани ҳокимининг ўринбосари Абдурайим Абдуллаев ҳамроҳлигида Китоб туманининг Раззоқ Шаймонов номли хўжалиги ҳудудидаги Сарой қишлоғида яшовчи Тошқуловлар хонадонига каттагина сигир етаклаб борди ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Бу хонадонга бундан бир кун олдин Республика ички ишлар Вазирининг ўринбосари ҳукуматнинг «Шуҳрат» медалини ҳамда Вазирликнинг байрам ҳадясини ҳам топширган экан. Ҳа, Оқибатли халқимиз оқибатни унутмайди.

Хусанжон АМИНОВ.
Қашқадарё вилояти.

МАҲАЛЛАМИЗ КЎЧАЛАРИ

Кафсар ТУРДИЕВА

ИЛТИФОТ КЎЧАСИ

Нима сизни қилар шод?
Одамларда илтифот.
Мендан юриб кўринг-чи,
Сиз ўтинг деб биринчи
Дарров қилишар таъзим
Бизларда шундай расм.
Қўлда юк бўлса, чопиб,
Сизни кўчадан топиб,
Бир илтифот этишар,
Уйингизга элтишар.
Кўчадан ўтса виз-виз
Трамвай, ҳатто автобус.
Йўловчилари ҳар дам,
Ўтирганлар ҳам бирдан.
Турганларга шу захот
Кўрсатишиб илтифот.
Жой берар қилиб таъзим
Бизда шунақа расм.

ИНТИЗОМ КЎЧАСИ

Ишлаб чиққанмиз низом
Унда бош сўз - интизом.
Кўчага кеч тушган он
Шумтака қолмас бирон.
Қуёш уйғонган чоғда
Ҳамма чиқиб ётоқдан
Бадантарбия бошлар
Қарилар, кекса ёшлар,
Ишга сира кеч бормас,
Ҳаттоки энг ишёқмас.
Ҳамма иш ўз вақтида
Бу ҳам менинг бахтим-да.

ОЛМАЗОР КЎЧАСИНИНГ ШИКОЯТИ

Десалар-да «Олмазор»
Олмаларга менман зор.
Ҳар бола бир туп кўчат
Экса уйи ёнига,
Айланардим мен ҳозир
Олмаларнинг коғига.

МУСОБАҚА КЎЧАСИ

Ким чаққон михни қоқар?
Ким тезроқ тандир ёқар?
Ошпаз, этикдўз, чевар
Ўйнашар мусобақа.
Мана тайёрдир кўйлак
Бири зар, бири ипак.
Енглар патир, обинон
Этикни кийинг чаққон.
Атроф одамга тўлиқ
Севинчга тўлган борлиқ.
Одамларнинг шодлиги
Барчага энг зўр ёрлиқ.

ЧЕВАР КЎЧАСИ

Ҳар бир уйда бир чевар
Гўзалликни хўп севар.
Шундан кийсанг кўйлагин
Жуда келар ўйнагинг.
Бурма-ю ёқа ва енг
Гоҳо тор ва гоҳо кенг.
Кўз-кўз қилиб кўзингга
Кийдиришар ўзингга.

ОҚИБАТ ТУГУНИ

ҲИММАТНИНГ ОРТИДА МИННАТИ ЙЎҚМИ?

- Дада, мен яқинда мактабга бораман! Дерезадан юлдузсиз осмонга тикилганича ўй сураётган ота дабдурустдан кичкинтойнинг гапларини англамай қолди.

- Нима дединг, мактабга бораман дейсанми?

Кўзлари чарақлаб турган болакай:

- Ҳа, эрталаб ўқитувчилар киришди, мени дафтарига ёзиб олишди. Энди ўқишга қатнайман...

Ота уйқудан чўчиб уйғонган кишидай сергак тортди. Хаёллари чил-чил синди. Ўзича пичирлади.

- Буни қара-я... Мен эса...

Боланинг офтоб мисол кулиб турган чеҳрасига хавотир қўнди.

- Ҳа дада, сиз хурсанд эмасмисиз?

Кўзлари ич-ичига ботиб, ёноқларига оқ оралаган, озғин жуссали киши жовдираб турган ўғилчасини даст кўтариб, бағрига босди.

- Етказганига шукр болам. Минг бора шукр!

Қалби тоғдай кўтарилган ўғил қувончини жажжи бағрига сиғдиролмай кўчага югурди. Бу хушхабардан елкасига тоғ қулаган ота мажолсизгина остонага чўкди. У шу тобда остонага эмас, худди ўпқонга ағдарилгандай сезди ўзини. «Буни қаранг, боласи етти ёшга киргунича қўлини «ҳалоллаб» ололмади. Бу рўзғор деганлари шунақа ғорми? Жўжабирдай жон, ҳаммаси ейман, кияман деб турса. Аслида фақирлик тубсиз қудуққа ўхшаркан. Умр бўйи ундан қутилишга уриниб яшайверасан, охир-оқибат бир кун қисмат ҳукмига бўйсунасан. Унгача яна қанча машаққат, қанча изтироб бўйнингда туради».

Кўча дарвозаси тақиллади.

- Турсунали, ҳо Турсунали.

Турсунали ўрнидан оғир туриб овоз берди.

- Кираверинг, эшик очиқ. Ҳадемай маҳалла оқсоқоли томоқ қириб кириб келди. Чорпоядаги суҳбат кўпга чўзилмади. Меҳмон гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди.

- Энди, ука, айбга санамайсан. Маҳалламиздаги Одилбек беш-олтита қўли юпқа, камхарж оилаларнинг болаларига суннат тўйини ўтказиб бераяпти. Сенинг ҳолинг барчамизга маълум. Агар хўп десанг, кенжатойинг Наҳорбекни ҳам рўйхатга қўшиб қўйсак. Ҳозир бунинг айби йўқ. Одилбекнинг саховатига раҳмат айтиш керак. Фисабилилло харажат қиляпти, савобга дохил бўлай, деяпти. Тўйга номи етти иқлимга танилган артистларни таклиф қилибди. Бечора яна карнай-сурнай, бир тарафда телевидениедан, газеталардан мухбирлар чақирибди. Ростига кўчсак, бунақа тўйга сенинг белинг қийшайиб кетади. Омадинг чопгани шуда.

Турсунали деганларининг боши эгилиб кетди. Бироқ ҳадеганда уни чиқмади.Оқсоқол яна гапга тушди.

- Нега индамайсан, болам? Бунақа имконият ҳамиша келавермайди. Сендан ҳемири сўрамаса, қарз-ҳавола кўтармасанг...қандингни урмайсанми...

Мезбон меҳмонга юзланди.

- Қандингни ур, дейсиза, отахон...

Оқсоқол уй эгасининг кўнглини кўтарган бўлди.

- Қўй, унақа дема. Камбағаллик айб эмас. Бу кунлар ўтар-кетар. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Ҳали фарзандларингни орзу-ҳавасини кўравериб яйрайсан. Хўп энди, мен борай. Қани, тўй болани чақир-чи...

Азиз ўқувчи! Сиз бу ҳолатни ўз шуурингизда ҳис қилдингизми? Йўқ! Гарчи ушбу сатрларни қоралаётган эсамда, ўзим ҳам бу вазиятни юрак-юракдан сеза олганимча йўқ деб ўйлайман. Аслида буни сезиш учун Турсунбой бўлиш керак, турсунбойлар ҳаётини билиш керак, уларнинг руҳиятини, дунёқарашини, шу бидан бирга ўкинч-армонларини англаш керак.

Оддий инсоний муносабатлар силсиласида шундай туйғулар борки, улар шоҳга ҳам, гадога ҳам, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай баробардир. Бу адолат мезони, бу қалбдаги ғурур, иймон ва эътиқод деб аталмиш илоҳий ҳиссиётлардир.

Айнан ўша туйғу қудрати Турсуналини оғиз очиришга йўл қўймади. Айнан ўша ғурур гарчи ўзи йўқлик ёқасида тебраниб турса-да, борликнинг омонат, ҳадикли қўлидан тутишга изн бермади. Чунки, узатилган «қўл» нечоғли саховатли, нечоғли қудратли бўлмасин, бари бир унинг ортида МИННАТ аталмиш ҳийлакор ва ёвуз, шавқатсиз ва юзсиз «ёв» туриши мумкинлигидан ўзига келолмади. Турсуналининг ҳадиги шундан эди.

Аслида ҳиммат - энг улуғ фазилат. Қўли очиқ, қалби дарё кишилар ҳамиша ардоқланган, азиз номи-насабларини тиллардан-тилларга кўчган. Бироқ бу эзгуликнинг ҳам кушандаси бор экан. Худди оққа қора теккандай, кундузни кеча қувгандай, оқилни жоҳил ёқасидан олгандай, гавҳарни тош синдирганидай ҳимматни ҳам миннат таъқиб этаверар экан.

Одамларнинг ҳимматга ҳам шубҳа билан боқиши асносида шу маъно ётаркан.

Албатта, орамизда ёрбиродарлари, мўмин-мусулмонларга бегараз, беминнат кўмаклашаётган, оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган мард инсонлар кўплаб топилади ва биз ундай саховатпешалар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Очиғини айтганда, бу каби одамлар миллатнинг кўрки саналадилар. Ўтган йили бир Ҳожи ака олтита маҳалладан олтита ночор оила фарзандининг «қўлини ҳалоллаш» учун олтмишта ташкилот раҳбарини тўйга айтиб, шу аснода ўзининг олтмиш йиллигини ҳам нишонлаб олганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлаган эдик.

Кейинги пайтларда яна бир хунук иллат кўзга ташланиб қолди. Бу кимгадир, қачонлардир қилинган яхшиликни ўрни келса-келмаса писанда этиш, ўша «яхшилиги» яхши ҳосил бермаганидан зорланиш, афсус-надомат чекишдир. Аслида қилган яхшилиги учун қайтиши умидида қилинган яхшилик дуруст эмасдир. Яхшилик холис ва самимий бўлмоғи лозим. Эзгулик дарахти соф кўнгил суви ила илдиз отади, барқ уриб ривожланади.

Жобир ибн Абдуллоҳнинг айтишича, Расулиллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: Кимдаки уч хислат бўлса, Оллоҳ таоло унинг айбини яширади ва жаннатга киритади: Яъни ожизларга ва ўз қўл остидагиларга эҳсон берса.

Яна уч тоифа кишилар борки, улар жаннатга кирмайдилар. Биринчиси, ота-онасига оқ бўлган фарзанд, иккинчиси ичкиликка муккасидан кетган одам ва учинчиси, берган хайри-эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи киши.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ.

Орол бўйидаги оналар ва болаларга

Урганч ва Нукус шаҳарларига махсус транспорт самолёти билан умумий қиймати 20 миллион сўмлик дори-дармонлар, болалар уст-боши ва оёқ кийимлари, ногиронлар аравачалари, дезинфекцияловчи воситалар ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат мурувват ёрдами жўнатилди. Республикамизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган янги йил арафасида «Орол оналари ва болаларига» шиори остида ўтказилаётган мазкур тадбирни «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этди.

Жамғарманинг «Орол болаларига» шиори остида ташкил этилган республика экологик шанбаликлари ва экофестивалларидан тушган маблағлари ушбу хайрли тадбирни амалга ошириш учун йўналтирилди. Мурувват ёрдамини уюштиришда республика вазирлик ва идоралари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги бир қанча элчихоналари фаол иштирок этишди. Хайрли ишга бир қанча корхоналар, шу жумладан қўшма корхоналар ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Тадбирдан хусусий шахслар ҳам четда қолмади. Масалан, шифобахш ўсимликлар билан даволовчи тошкентлик машҳур табиб Ҳўжа Сафиев Оролбўйи аҳолисига етказиш учун қиймати 50 минг сўм бўлган бир марта ишлатиладиган шприцларни сотиб олди.

ЎзА



Оллоҳга минг қатла шукур, фарзандларимиз Янги асрга учқур машиналар билан ўтишди. Бизнинг эса шошадиган жойимиз йўқ.

Янги йил совғалари топширилди

Урганчдаги 93-сонли таянч-ҳаракатланиш тизими хасталигига чалинган болалар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари янги йилни ўз тенгдошларидан бир ҳафта илгари байрам қилишга киришди. Биринчи бўлиб «Экосан» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вилоят бўлими ходимлари болаларни янги йил, янги аср ва минг йиллик билан қутлашди. Меҳмонлар уларга қишки кийим, ўйинчоқлар ва ширинликлардан иборат совғаларни топширди.

Шу кунларда Хоразмда деярли бирорта ҳам бола эътибордан четда ва совғасиз қолаётгани йўқ. Қишки таътиллар бошланиши арафасида вилоятдаги ўнлаб ихтисослашган тиббий муассасалар ва ўқув юртларига хомий ташкилотлар, жамоатчилик жамғармалари, тадбиркорлар ва оддий фуқаролар ташриф буюрмоқда. Маҳалла йиғинлари фаоллари сурункали ёки давосиз хасталикка дучор бўлган болалари бор оилаларни бориб кўришмоқда. ЎзА мухбирига вилоят ҳокимлигида берилган маълумотга кўра, бемор болаларга топширилган совғалар ва бошқа моддий ёрдам миқдорини санаб чиқиш мушкул ишдир. 30 декабргача икки минг икки юз нафардан ортиқ хаста болалар янги йил тантаналарининг гувоҳи бўлишди.

ЎзА.

ГАП ОХИРИДА

ЯПОНЛАРНИНГ ЯНА БИР МЎЖИЗАСИ

Японлар кишиларни яна бир бор ҳайратга солмоқда.

Бу мамлакатнинг бош министри Иосиро Мори японлар дунёда энг узун сув ости туннели бунёд этиш ниятида эканлигини айтди. Ла-маншдаги туннелнинг узунлиги 50 км. бўлиб ҳозиргача энг узун сув ости туннели кунчиқар мамлакатининг Хоккайдо ва Хонсю ороллари ўртасида, ўтказилган бўлиб унинг узунлиги 53,9 км.ни ташкил қилади. Қурилажак янги сув ости туннелининг узунлиги эса 180 километрни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Мори сўзларига қараганда лойиҳани техник тарафи қийин эмас, ҳамма гап уни молиялаштиришда қолган. Экспертларнинг ҳисобларига қараганда туннел 77 млрд. доллар қийматни ташкил этар экан.

ЭРИ РОЗИ БЎЛМАСА ҲАМ

Мисрнинг Олий Конституцион суди чиқарган қарорига мувофиқ мамлакатда яшовчи аёллар бундан буён эрларининг розилигисиз ҳам чет эл паспортини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Аввалари эрнинг розилигисиз рафиқасининг бир ўзи чет элга чиқадиган бўлса эр у ҳолда мамлакат ички ишлар вазирлигига арз қилар ва унинг аризаси қаноатлантирилар эди. Суд бу ҳолатни конституцияга зид деб баҳолади.

БОИСИ ИШСИЗ ҚОЛИШ ЭМАС!

Кунчиқар мамлакати фуқароларининг иш жойларига бўлган ҳурматларидан бошқа халқлар ибрат олса арзийди.

Японлар шундай ишга берилганларки, улар ҳатто бериладиган ҳақиқий меҳнат таътилидан ҳам тўлиқ фойдаланмайдилар. Кўпчилик японлар 18 кунлик меҳнат таътилини 9 кунида дам олиб яна иш жойларига қайтадилар. Бунга уларни ҳеч ким мажбур қилмайди. Хизматдошлари меҳнат қилаётган бир пайтда дам олишга уларнинг виждонлари йўл қўймайди. Улар байрам кунлари ҳам ишлайверадилар, холбуки Японияда байрам кунлари Германия ва Америкадагидан кўпроқ.

Бундай меҳнатсеварликнинг боиси фақат ишсизлик юқори бўлган мамлакатда ишдан ажраб қолиш эмас, балки тежамкорлик билан ишлайдиган компаниялардаги ишчи штатининг камлиги бўлиб, топшириқни бажариш учун улар қўлларини қовуштириб ўтирмай тинмай ишлашларига тўғри келади.

Нормаллаштирилмаган тинимсиз меҳнат ўз таъсирини ўтказиши табиий. Шу сабабдан ишчиларнинг деярли ярми асаб қақшоғига дучор бўлган. Япон ҳукумати меҳнаткашларни дам олишга мажбур қилишга ҳаракат қилмоқда. Ҳафтасига иш соати 45 дан 40 соатга туширилган, душанба эса дам олиш куни деб белгиланган.

ҚАНОТЛИ «ЎҒРИ»

Гизала Глабочник ўзи яшаб турган Албертонеда энг бахтли аёл деб ҳисобларди. Чунки амакиси туғилган кунида унга теграси бриллантлар билан безатилган тиллақош совға қилганди-да! Бундай қимматбаҳо нарсаларни фарқига борадиган унинг дугонаси бўлмиш Эльза бу совғани 230-250 минг ренд (бир ренд 4,6 рус рублига тенг) туришини айтганида у хурсандчилигини яшира олмади.

Одамдагидек у бир куни кўзгу қаршисида ўтириб амакисининг совғасини томоша қилаётганида шу хонадоннинг овунчоғига айланиб қолган Паппи исмли тўти уй эгасининг шодлигига шерик бўлгандай у хона узра парвоз қиларди. Шу аснода бирдан у пастга шўнғиб пардоз столидаги бтиллақошни тишлаб олди ва очиқ деразадан учиб чиқиб кетди. Гизела шу заҳоти боғга чиқди, қўшни излади, чақирди аммо тўти сас бермади. Оила аъзоларининг ҳаммаси ён-атрофни, қўни-қўшнию, қариндош-уруғларникини қидиришди... Аммо Паппини топиша олишмади.

ДАРДДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ

БОТУЛИЗМ ЮҚУМЛИ

Озиқ-овқат маҳсулотларидан зарарланиш касалликлари ичида ўта оғир кечадиган турларидан бири бу ботулизмдир.

Ботулизм таёқчаси анаэроб микроблари - яъни кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансубдир. Бу микроблар спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлгани учун ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли бўлиб, қайнатганда ҳам ўлмайди, +120 даража ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фоизли формалин зарарсизлантирувчи моддаси таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва у сўрилиб, инсон организмини заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳитда қуруқ шароитда, тупроқда узоқ йилларгача сақланади.

Ботулизм юқишига одатда ботулизм микроблари, шунингдек уларнинг фаолияти натижасида пайдо бўладиган токсин билан зарарланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Ботулизм касаллиги асосан уй шароитида ишлаб чиқариш қоидаларига риоя қилмасдан тайёрланган консерва, дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

Шу билан бир қаторда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараёнига риоя қилинмаслиги оқибатида, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган колбаса, гўшт, балиқ ҳамда сабзавот ва мева консервалари ҳам ботулизм хасталигига сабабчи бўлиши мумкин.

Ботулизм ҳолсизланиш, бош оғриғи, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгил айниши, қайд қилиш, бош айланиши ва 1-2 маротаба ичнинг суюқ кетиши қисқа давр кузатилади. Тўш суяги ортида оғриқ, қоринда оғриқ ва дамланиш ҳоллари учраб туради. Қайд қилиш ва ич кетиши қисқа давр кузатилиб, неврологик белгилар бошланганидан сўнг одатда йўқолади. Аксарият ҳолларда ич кетиши тўхтаб, қабзият юзага келади. Неврологик белгилар: кўз олдида «туман», «парда» пайдо бўлади, битта нарса иккита бўлиб кўринади, кўз қовоқларининг икки томонлама қисилиши, ютишнинг қийинлашуви ёки умуман амалга ошмай қолиши, овоз ўзгариб пасая боради ва тиниқлиги йўқолади, оғир аҳволда гапига тушуниб бўлмайди. Агар беморга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаса, нафас олиш аъзоларининг мушаклари параличи натижасида беморнинг нафас олиш қобилияти тўхташи мумкин.

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олиш учун қуйидаги оддий қоидаларга қатъий риоя қилишингизни тавсия этамиз:

1. Озиқ-овқат дўконидан консерваланган гўшт, қўзиқорин, балиқ, сабзавот ва мева маҳсулотларини ҳамда колбаса, дудланган балиқ ва гўшт маҳсулотларини харид қилишдан олдин, ушбу маҳсулотларни гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатларига эгалиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлишни.

2. Дўконлардан консерваланган маҳсулотларни харид қилишдан олдин, уларнинг сақлаш муддатлари ўтиб кетмаганлигига, идишларини бутунлигига, қопқоқларини шишмаганлигига эътибор беринг.

3. Бозорларда ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шароитларда тайёрланган дудланган гўшт ва балиқ ҳамда консерва маҳсулотларини харид қилманг.

Ш.ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлинмаси мудири.

Узр, ўғлим, хизматчилик

Хосият РУСТАМ

ГЎЗАЛ ҲИСЛАР УЙҒОТДИ МАНИ

Нима бўлса - бўлади тамом,
Гўзал ҳислар уйғотди мани.
Кетаяпман оҳанглар томон -
Сенинг билан хайрлашгани.

Маъюс қараб қолар деворлар,
Бир бурчакда йиғлайди онам.
Ҳатто тунни қўрқувга солар -
Дард кўрмаган ёлғиз пешонам.

Худойимдан сўрадим шафқат,
Ҳузурига чорлади мани.
Раббим!
Раббим у билан фақат,
Ҳаққим борми, хайрлашгани.
Ҳаққим борми, хайрлашгани...

* * *

Кўчада ёмғир...
Хазон -
Учиб ўйнар шамолда.
Танидан кетса ҳам жон,
Ўлмоқлик йўқ хаёлда...
Ҳеч ким бундай ўлмаган,
Маҳкам ушлаб қўлимни.
Ҳатто инсон кўрмаган,
Бундай гўзал ўлимни.

* * *

Ҳассага суяниб-суяниб кампир,
Амаллаб тушади сўнгги қаватга.
Ва бирдан эсига тушиб нимадир,
Жилмайиб, бош силкиб қўяр дарахтга.
Қувониб атрофга боқар дам-бадам,
Кўп йил ёруғликни кўрмовди ахир.
Эй, қисмат, не учун шунча одамдан,
Дарахтларни севиб яшайди кампир?!

* * *

Кўкда булут сузади кўм-кўк,
Ерга осон сингийди овоз.
Сизда айб йўқ,
Менда гуноҳ йўқ,
Бу - Тангримнинг фармони, холос.
Осмон турар бағрини очиб,
Замин пойингизда синади.
Кетиш мумкин - қаерга?!
қочиб -
Биз - ҳукмнинг ижрочилари.
Бу тоғларга сукунат чўккан,
Неча йилки оғрийди жони.
Нима, жоним, ёғилар кўкдан -
Бу фармон-ку -
Тангри фармони!..
Нега, ахир, йиғлайсиз зимдан,
Биз бахтлимиз...
Нима бор-ёшга?!
Сўз бераман - кечиб ўзимдан,
Сизни жондай эҳтиётлашга.



ЭНИГА: 6. Ёшлик латофати, ҳусн. 8. Молгузар тоғининг шимолий ёнбағридаги қоятошларга ўйиб ишланган кўҳна расмлар. 11. Тошкент вилоятидаги хушманзара иқлимий шифохона. 12. Дўппидўзлик ашёси. 15. Тоғ меваси. 16. Аҳил, ҳамнафас. 23. Баъзи Осиё мамлакатларининг пул бирлиги. 24. Қадимий ер ўлчови. 27. Миллий таом. 28. Бошқаришдаги бегаразлик.

БЎЙИГА: 2. Гумбаз шаклидаги усти берк сунъий сув иншооти. 5. Помир тоғларидаги тизма. 7. Рўзғор буюми. 9. Улуғбекнинг риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур эгаллаган шогирди. 10. Тиниш белги. 18. Қорамтир меваси нордон бута ўсимлиги. 19. Кашалотлардан олиниб, атторликда ишлатиладиган хушбўй ашё. 20. Сувда ва қуруқликда яшовчи жониворларнинг тухумдан чиққан муртаги. 21. Насрий асар тури. 22. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуроли.

АЙЛАНАЛАР БЎЙИЧА: 1. Амударё шарқидаги ҳудуднинг ўрта асрлардаги номи. 13. Ўзбекистонга қўшни жумҳурият. 14. Мумтоз ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг тарихий асари. 17. Тўп гулли, манзарали хушбўй ўсимлик. 29. Ўзбек киноси санъаткорларидан бири.

ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 3. Энг яқин киши. 4. Нонвойчилик анжоми. 25. Насл-насабига кўра бир хил бўлган кишилар гуруҳи. 26. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат пойтахти.

Бир кампир ўғлидан келган хатини қўшнисининг боласига узатиб, ўқиб беришни илтимос қилди. Эндигина мактабга қатнаётган бола хатни тутилиб ўқиди:

«Қим...мат...ли... О...о...на...жон...»

Кампир кўзига ёш олиб деди:

— Хат тойлоғимдан келибди, болагинам ёшлигида ҳам тутилиб гапирар эди.

Сочимни қирдириб ташлаш учун шаҳарга бордим. Сартарош «жамоа хўжалигингизни раиси қалай», деб сўраб қолди.

Индамадим.

Бир пастдан кейин у саволини яна такрорлади.

Яна индамадим.

— Жамоа хўжалигингизни раиси қалай? — сартарош яна эзмаланди.

— Бир марта сўрадингиз, икки марта сўрадингиз, бўлди-да энди, жамоа хўжалигимизнинг раиси сизга нима учун керак бўлиб қолди?

— Чунки, ҳар сафар сўраганимда тепа сочингиз тикка бўлиб кетяпти, қайчилашга осон-да.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Назбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—20.30